O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TOSHKENT IQTOSODIYOT VA TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

NAMANGAN MANZILI

“KICHIK VA O‘RTA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY AHAMIYATI”

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

NAMANGAN-2025

Toshkent iqtisodiyot va texnologiyalari universiteti Namangan manzilida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman tashkil etilgan. Mazkur anjuman “Kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlashning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati” deb nomlanib, O‘zbekiston Respublikasida kichik va o‘rta biznesni rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlarning ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatini ilmiy jihatdan tahlil qilish, mavjud muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish masalalari aks etgan.

Mas’ul muharrirlar: Iqtisod fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) B.B.Djurayev

Falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) A.Ahmedov

Taqrizchilar: Iqtisod fanlari doktori, proff. B.Mahmudov

Iqtisod fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dots. I.Soliyev

Tahrir hay’ati: Iqtisod fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dots. M.Teshaboyev

Psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dots. N.Mullaboyeva

Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dots. N. Niyazova

Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) M. Yuldasheva

O‘qituvchi F.Isoqjonov

O‘qituvchi D. Abdulhakimov

O‘qituvchi Sh.Bozorov

O‘qituvchi M.Karimberdiyev

O‘qituvchi D.G‘ofirjanov

O‘qituvchi M.Tojimirzayeva

O‘qituvchi M.Saidvaliyev

Mazkur xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari Toshkent iqtisodiyot va texnologiyalari universiteti Namangan manzili Kengash qarorining (“6” oktabr 2025-yil № 2-sonli majlis bayoni) bilan nashrga tavsiya etilgan.

I-Sho‘ba.
Kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlashning iqtisodiy o‘sish va barqaror rivojlanishdagi strategik ahamiyati

II-Sho‘ba.
Tadbirkorlik subyektlarida moliyaviy hisobot shaffofligini ta’minlash va buxgalteriya tizimini takomillashtirish masalalari

III-Sho‘ba.
Raqamli transformatsiya jarayonida biznes faoliyatini rivojlantirish: elektron tijorat, fintech va innovatsion yechimlar

IV-Sho‘ba.
Ijtimoiy-gumanitar fanlarning milliy iqtisodiy taraqqiyotdagi roli

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ҚАЙТА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нематова Дилноза Азаматовна –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг таянч докторанти,
Тел: +998911872834
nematovadilnoza@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз ҳозирги босқичида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, молиявий ҳисоботларнинг шафофлигини ошириш, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларга уйғунлаштириш ва асосий воситаларни қайта баҳолаб ҳаққоний қийматини аниқ кўрсатиш ҳамда кенг доирадаги иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, узоқ муддатли активлар, моддий активлар, асосий воситалар, асосий воситаларни қайта баҳолаш, бозор қиймати ва адолатли қиймат.

Аннотация*:* В данной статье рассматриваются вопросы реформирования бухгалтерского учёта и финансовой отчётности на современном этапе развития страны, привлечения иностранных инвесторов, повышения прозрачности финансовой отчётности, гармонизации финансовой отчётности с международными стандартами, а также переоценки основных средств с целью достоверного отражения их справедливой стоимости и реализации масштабных экономических преобразований.

Ключевые слова: бухгалтерский учёт, финансовая отчётность, национальные стандарты бухгалтерского учёта, международные стандарты финансовой отчётности, долгосрочные активы, материальные активы, основные средства, переоценка основных средств, рыночная стоимость, справедливая стоимость.

Abstract: This article examines issues related to the reform of accounting and financial reporting at the current stage of the country’s development, the attraction of foreign investors, the enhancement of financial reporting transparency, the harmonization of financial reporting with International Financial Reporting Standards, as well as the revaluation of property, plant and equipment to ensure a fair presentation of their fair value and the implementation of large-scale economic transformations.

Keywords: accounting, financial reporting, national accounting standards, International Financial Reporting Standards, long-term assets, tangible assets, property, plant and equipment, revaluation of fixed assets, market value, fair value.

Кириш. Иқтисодиётнинг замонавий глобализацияси миллий ҳисоб тизимни ҳалқаро даражага етказиш, молиявий ҳисоботларнинг

мувофиқлигини таъминлаш ва ўзаро уйғунлаштиришни даврнинг ўзи таққоза қилмоқда. Бу эса молиявий ҳисоботдадаги зарурий аҳборотни олишда ўзаро тафовитларни мувофиқлаштиришда муҳимдир. Халқаро амалиётда компаниялар асосий воситаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш махсус "Асосий воситалар" деб номланган 16-сон БҲХС (IAS) билан тартибга солинган. Бизнинг республикамизда, корхоналарнинг асосий воситаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари 5-сон БҲМС "Асосий воситалар" ҳамда 21-сон БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақалар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" да белгиланган. Таъкидлаш жоизки, хозирги пайтда амалда бўлган ушбу миллий стандартларимиз корхоналар асосий воситаларга доир халқаро амалиётда қабул қилинган кўплаб тартибларга тўлиғича мос эмас. 16-сон БҲХС (IAS) да белгиланган тартибларни амалиётда қўллаш бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан янгича билим ва кўникмаларни хосил қилишни тақазо этмоқда. Айнан шулар хозирги кунда республикамизда корхоналар асосий воситаларига доир 16-сон БҲХС (IAS) да белгиланган тартибларни амалиётга жорий этиш йўлларини чуқур тадқиқ этишни долзарб қилиб қўймоқда.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисоботларини тайёрлашда молиявий ҳисобининг ҳалқаро стандартлари (МҲХС) тамойилларига мувофиқлигини таъминланиши, нафақат йирик, балки ўрта ва кичик корхоналарнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади. МҲХСлари асосида тайёрланадиган молиявий ҳисобот кўпроқ ахборотларни ўзида мужассамлаштиради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда молиявий ҳисоботларни тузишни меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини МҲХСрига уйғунлаштириш борасида зарурий чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш[4] доирасида зарурий чора тадбирларни амалга ошириш ҳақида алоҳида таъкидланган. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритишимизда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва уларнинг бозор қийматини белгилашимиз жуда муҳим ҳисобланади. Биз биламизку юртимиздаги жуда кўплаб корхоналарда асосий воситаларни қайта баҳолаш жараёнлари амалда бажарилмайди. Бу эса халқаро ҳисоб сиётига ўтишимизда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикамизда охирги йилларда МҲХС ларини корхоналар амалиётига жорий этиш масалалари борасида

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг.2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.08.2021 й., 06/21/6280/0811-сон.

кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар чоп этилмоқда. Улар сирасига олимларимиздан С.Ташназаров, Д.Нарбеков, Ш.Рахмонов, А.Тураев, Ш.Эргашева, А.Ибрагимов, Н.Ризаев, И.Ибрагимова, Ж.Қурбанбаев, С.Джуманов, К.Уразов, М.Пўлатов, Э.Мўйдинов ва бошқалар қаламига мансуб ишларни киритиш мумкин. Шубхасиз, ушбу ишлар республикамизда асосий воситалар бўйича МҲХС ларда белгиланган тартиб-қоидаларни корхоналар амалиётига жорий этишда мухим ўрин тутуади.

Тадқиқот методологияси. МҲХСларга кўра корхоналар асосий воситаларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш ҳамда асосий воситаларни ҳалқаро стандартларга мувофиқ қайта баҳолаш натижалари ҳисобини такомиллаштиришнинг амалий масалаларини тадқиқ қилишда биз томонимиздан тизимли ёндошув, дедукция, индукция, таҳлил, таққослаш, қийматни баҳолашнинг дисконтлаш ва бошқа усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда республикамизда бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш принциплари ва талабларини МҲХСнинг принциплари ва талабларига уйғунлаштириш зарур. Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ҳисоб ва ҳисоботларини МҲХСнинг асосий қоидаларига асосан тузиши ҳисоботнинг шаффофлигини таъминлайди. Хўжалик юритувчи субъектлари учун МҲХС талабларига мувофиқ равишда ҳисобот бериш хўжалик субъектининг молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олишга, шу билан бирга молиявий ҳисобларнинг ишончлилигини ошириш имконини беради.

МҲХС жадал амалиётга кириб келиши натижасида, бир қатор муаммолар пайдо бўлди, яъни:

- МҲХС ва БҲМС параллель ҳисоб юритилиши натижасида, бухгалтерия ҳисоби мураккаблашди;
- мавжуд дастурий маҳсулотлар мукаммал эмаслигини кўрсатди;
- икки стандарт мақсадлари фарқланиши, мамлакатимиз ҳисоботлари молиявий тавсифга эга бўлган бир вақтда, МҲХС инвесторлар учун энг шаффоф маълумотларни тақдим этишга қаратилган (бунга корхоналар хозирги кунда тайёр эмас);
- корхонанинг жуда кўплаб активлари баланс қийматининг бозор қийматига мос эмаслиги оқибатида, ҳисоботларимизда кўплаб ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Демак, халқаро стандартларга ўтишда биз меъёрий-ҳуқуқий базага ўзгартиришлар киритишимиз лозим эканлигини ушбу ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳолат, аудитда тўла ва асосли бухгалтерия ҳисоб стандартлари асосида олиб борилишида аудиторлик хулосалари ишоншлигини таъминланиш учун мутаносибдир. Халқаро стандартлар асосида юритиладиган молиявий ҳисоботларга Миллий ҳисоб тизимидаги молиявий ҳисоботларни уйғунлаштириш орқали ҳисоботларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳимдир.

Асосий воситаларни ҳисобини тўғри юритишимиз учун актив нима эканлигини аниқ билиб олишимиз даркор. Активлар деганда хўжалик юритувчи субъектнинг бахолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул

маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек, номоддий мулки тушунилади.

Актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- қийматга эга бўлиши ва бу қиймат аниқ баҳоланадиган бўлиши;
- эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши;
- келгусида корхонага иқгисодий наф келтириши керак, жумладан, корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшиши;
- юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши.

Асосий воситалар ҳисобини юритишда алоҳида ўзига ҳос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда МҲХСлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш орқали ҳисоботнинг ишончлилигини ошириш зарурдир Бунда, моддий активлар ўз навбатида, иккита гуруҳга ажратилади: Узоқ муддатли моддий активлар ва қисқа муддатли моддий активлар. Ҳозирги амалиётимизда қўлланиб келинаётган «асосий воситалар» тушуншаси «узоқ муддатли моддий активлар»нинг моҳияти ва аниқликларини ўзида мужассамлаштириши керак. Асосий воситаларни балансда бозор қиймати билан юритишимиз зарур. Кўпгина корхоналарни балансига қарайдиган бўлсак асосий воситалари таркибида қиймати бозорга қараганда бир неча юз баробар паст қийматдаги асосий воситаларни кўришимиз мумкин. Бу ахвол бугунги кунга келиб катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу асосий воситалар атамаси ушбу узоқ муддатли моддий активларни қанчалик даражада тавсифлаши муаммоли ҳолат, яъни мисол учун номоддий активлар асосий восита эмасми деган савол туғилади.

Шу боис, асосий воситалар тушуншасини янги бозор иқтисодиёти шароитига мослаштириш зарурати мавжуд, деб ўйлаймиз. Фикримизча, асосий воситалар қийматини бозор нархлари билан мутаносиб шаклда олиб боришимиз зарур. Биз бухгалтерия ҳисобини солиқ органлари учун эмас, балки инвесторлар ҳамда бухгалтерия ҳисобини тамоиллари асосида юритишимиз лозим. Халқаро стандартга ўтишимизда биз адолатли қиймат кўрсаткичига катта аҳамият беришимиз лозим. Чунки ҳисоб ва ҳисоботни тўғри юритилаётганлиги ҳаққоний қийматни аниқлашимизга узвий боғлиқ ҳисобланади. Адолатли (ҳаққоний) қиймати ишончли баҳоланиши мумкин бўлган актив сифатида тан олинадиган асосий восита объекти қайта баҳолаш санасида адолатли қийматга тенг бўлган қайта баҳоланадиган миқдорда ҳар қандай жамғарилган депресиация ва ҳар қандай қадрсизланишдан кўрилган жамғарилган зарар чегирилиб ҳисобга олинади.

Миллий стандартларимизда асосий воситаларга берилган таъриф халқаро стандартда «мулк, бино, машина, асбоб-ускуналар»га берилган таърифга тўлиқ мувофиқ келади.

Халқаро стандартга кўра «Мулк, машиналар ва ускуналар» объектлари актив сифатида тан олинади, бунда катта эҳтимол билан таъкидлаш мумкинки,

корхона активларни фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий наф олади ва корхона ушун активнинг қиймати ишончли баҳоланиши мумкин.

Халқаро стандартларда «мулк, бино, машина ва асбоб- ускуналар»ни тан олишда бир даврда кўп вақт ўтишни талаб этади деб кўрсатилган бўлса, республикамиз миллий стандартида бир йилдан ортиқ дейилган. Фикримизча, бу мезонни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб этади. Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида бир даврдан ортиқ хизмат қилувчи, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки маъмурий бошқарув жараёнида фойдаланувчи «асосий воситалар» таркибини стандарт талабларидан келиб чиқиб мустақил белгилаши керак. Чунки бирор-бир кичик корхона учун унинг ҳисобидаги баъзи активлар асосий восита таркибига киритилмай қолмоқда ва унинг натижасида бундай активларга эскириш ҳисобланмай келинмоқда. Бу жараёнларни ҳисоб тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

«Асосий воситалар» нинг таркиби(ҳолатлари)ни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Халқаро стандартда «Мулк, машиналар ва ускуналар» нинг ҳолатлари келтирилган. 5-сон «Асосий воситалар» БҲМСда асосий воситалар таркиби белгиланмаган. Бу таркиб 21- сон БҲМСда счётлар режасидаги асосий воситаларнинг таркибларга алоҳида счётлар ажратилган.

Мамлакатимиз амалиётида ер давлатнинг мулки ҳисобланади. Ердан узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Хуқуқ бўлганлиги боис, бу номоддий актив сифатида эътироф этилиши ҳисоб тамойилларига мувофиқ келади, деб ўйлаймиз. Ерни ободонлаштириш, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатларини тегишли даврлар харажатларига киритиш ҳисоб тамойилларига мувофиқ келади. Ишчи ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик ўсимликларни биологик актив сифатида тан олиш тамойилларини белгиловчи стандартларни ишлаб чиқиш керак.

Халқаро стандартда эҳтиёт қисмлари ва сервис асбоб-ускуналари одатда захира сифатида ҳисобга олиниши ва истеъмол қилиниши мобайнида фойда ва зарарларда тан олиниши қайд қилинган. Бироқ, агар ташкилот уларни бир даврдан ортиқ даврда фойдаланишни кўзда тутса, йирик эҳтиёт қисмлар ва резервдаги асбоб-ускуналар «асосий восита» сифатида таснифланади. Аналогик тарзда, агар эҳтиёт қисмлар ва сервис асбоб-ускуналари «Асосий восита» объектларидан эксплуатация қилиш билан боғлиқ ҳолда фойдаланилган тақдирда «Асосий восита» сифатида ҳисобга олинади.

Халқаро стандарда ташкилот «Мулк, машиналар ва ускуналар» га қилинган харажатлари уларнинг сарфланиш даврида тан олиниши кўзда тутилган. Булар қўйидагиларни ўз ишига олади:

- «Мулк, машиналар ва ускуналар» объектларини харид қилиш ва жиҳозлаш билан боғлиқ ҳолда сарфланган харажатлар;

- объектни бойитиш, қисман алмаштириш ва унга хизмат кўрсатилиши оқибатида амалга оширилган харажатлар сифатида тан олинади.

Миллий стандартда ҳам мулк, бино, машина ва асбоб- ускуналарнинг қийматига тўғридан-тўғри киритилувчи харажатларни алоҳида моддада

ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу ҳолат уларнинг таннархи ошиши механизмини тўғри белгилаш имкониятини беради.

Хулоса. Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, “Асосий воситалар” деб номланган 16-сон БҲХС (IAS) да белгиланган тартиб-қоидалар республикамизнинг 5-сон БҲМС да белгиланган тартиб-қоидалардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Мамлакатимиз корхоналари ҳисоб амалиётига мазкур халқаро стандартни жорий этиш фойдаланувчилар учун тадбиркорлик субъектларининг асосий воситалари тўғрисида хар тарафлама ишончли маълумотларни олиш хамда ушбу маълумотларда аниқ иқтисодий мантиқни таъминлаш имконини беради. Хорижий тажрибаларга мувофиқ капитал харажатлар активларнинг хизмат қилиш муддати узайишига олиб келса, бундай харажатлар депрециация суммасини камайтиришга мослаштирилади. Натижада активларнинг бошланғич қиймати ўзгармайди, унинг қолдиқ қиймати эса ушбу капитал харажатлар суммасига ошади. Республикамизda асосий воситаларни қайта баҳолаш - асосий воситалар тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақги- вақти билан аниқлаштиришдир. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг тикланган қиймати оширилиши ёки пасайгирилиши мумкин. Қайта баҳолаш икки усулда, яъни бозор баҳоларидан келиб чиқган ҳолда тўғридан тўғри эски қийматни бозор қийматигача етказиш ёки эски қийматни белгиланган коэффициентларга кўпайтириш йўли билан янги қийматга чиқиш усулларида корхонанинг ўзи ёки мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича махсус лицензияга эга булган корхоналар томонидан олиб борилиши мумкин. Янги ва эски қийматлар ўртасидаги фарқ қайта баҳолаш қийматини ташкил этади. Ушбу сумма ижобий сон билан чиқса, у асосий воситаларнинг қийматини оширилганлигини, манфий сон билан чиқса, у асосий воситалар қийматини пасайтирилганлигини билдиради. Қайта баҳолаш натижаси инвентаризация қайдномаси асосида ҳисобда акс эттирилади.

Амалиётда капитал таъмирлаш харажатларини ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига киритиш кўрсатилган. Халқаро стандартлар талабаларидан келиб чиқиб, капитал таъмир меҳнат унумдорлиги ошиши ёки маҳсулот сифати яхшиланишига олиб келса, уни «Мулк, машиналар ва ускуналар» қийматида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Хўжалик фаолиятини юритиш ва уни узлуксиз ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб корхоналарнинг тегишли турдаги ва миқдордаги акгивлар билан таъминланганлиги ҳисобланади. Ушбу мулкларини, яъни корхонанинг активларини ҳаққоний қиймати бозор қийматларида келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ҳамда бухгалтерия ҳисоботларида ҳам бозор қийматларида келтирилиши ушбу ҳисоботларнинг ишончлилигини ва тўғри юритилаётганини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Республикамизда Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон

Қарори.
2. БҲХС (IAS) 16 “Асосий воситалар”.
3. МҲХС (IFRS) 5 “Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активлар ва тугатилган фаолият”.
4. Ташназаров С.Н. Молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. - Тошкент:
“ИҚТИСОД-МОЛИЯ". 2019. - 584-6.
5. Уразов К.Б.,Пўлатов Э.М. Бухгалтерия хисоби. Дарслик. -Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi», 2021, -560 бет.
6. Кривда, С.В. Прибыль предприятия: расчет и отражение в отчетности [Электронный ресурс] / С.В. Кривда // Учет, анализ и аудит: Научный специализированный журнал – 2010. – Выпуск 2. – М.: с. 39-40. http://old.econ.msu.ru/cmt2/lib/c/1423/file/AAA-2010-Vol-2.pdf
7. Нематова Дилноза Азаматовна, Корректировка Счета Основных Средств На Международные Финансовые Стандарты, CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE,
Volume: 04 Issue: 09 | 2023 ISSN: 2660-454X
https://cajitmf.centralasianstudies.org
8. Nematova Dilnoza Azamatovna, ASOSIY VOSITALARGA OID BHXS VA MHXSLAR MAQSADI VA AMALIYOTDA QO‘LLANILISHI YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, Issue: 2024-yil iyul, **№** 7-son.
ISSN: 2992-8982.
9. http://www.gaap.ru – The information center of theory and practice of financial accounting
10. http://www.iasc.org.uk- International Accounting Standards Committee

RAQAMLI VA YASHIL IQTISODIYOTNING RIVOJLANISH JARAYONLARI

Yigitaliyev Ozodbek Bahromjon o‘g‘li
Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoati instituti
Iqtisodiyot 13-25-guruh talabasi
Email:ozodbek007y@gmail.com
+998978174707

Annontatsiya. Yashil iqtisodiyot - atrof-muhit va iqtisodiy o‘sishning o‘zaro bog‘liq muvozanatini yaratishga qaratilgan yondashuvdir. Ushbu maqola yashil iqtisodiyotning asosiy tamoyillari, prinsiplari, tizimlari va ularni amalda qo‘llash

	DOMESTIC AND EMOTIONAL SUPPORT AS DRIVERS OF WOMEN'S FINANCIAL EMPOWERMENT AND LABOR MARKET PARTICIPATION	
38	Uzaqov Ortik Shaymardanovich **BIZNES JARAYONLAR MENEJMENTI TIZIMLARINI MOLIYAVIY VA OPERATSION SAMARADORLIKKA TA'SIRINI BAHOLASH**	166
39	Allamberganova Oyjamol Rahmanbergan qizi **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INDIVIDUAL VA BOZOR TALABINING SHAKLLANISHI**	174
40	Tog'ayeva Gulixon Zafar qizi **QASHQADARYO VILOYATNING INVESTITSION JOZIBADORLIGINI TAHLIL QILISH VA BAHOLASHNING USLUBIY ASOSLARI**	178
41	Keldiyev Adhamjon Muzaffar o'g'li **GLOBAL RAQAMLI INFRATUZILMANING SANOAT KORXONALARI TASHQI SAVDO JARAYONLARIGA TA'SIRI**	185
42	Sultanov Shoxjaxon Rahmon o'g'li, Keldiyev Adhamjon Muzaffar o'g'li **EKSPORT-IMPORT JARAYONLARIDA EKOLOGIK TALABLAR VA ULARNING SANOAT KORXONALARI BOSHQARUVIGA TA'SIRI**	188
43	Beknazarova Manzura Baxtiyorovna **HUDUDIY SANOAT KLASTERLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA KICHIK BIZNESNING INNOVATSION FAOLLIGI**	192
44	Нематова Дилноза Азаматовна **АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ҚАЙТА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**	198
45	Yigitaliyev Ozodbek Bahromjon o'g'li **RAQAMLI VA YASHIL IQTISODIYOTNING RIVOJLA JARAYONLARI**	204
46	Садриддинов Бахтиёр **КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА ЁНДАШУВЛАР**	216
47	Sultanov Shoxjaxon Rahmon o'g'li	221